

«ТАСДИКЛАЙМАН»

истикомат килувчи фуқоро

«\_\_» 2006 й.

# Намуна

Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни  
ривожлантириш асосидаги ишлаб чикариш ва хизматлар  
курсатиш Гипс,мел маҳсулотларидан курилиш  
материалларини ишлаб чикариш буйича  
\_\_\_\_\_нинг

## «БИЗНЕС РЕЖАСИ»

----- 2006 йил.

## **М У Н Д А Р И Ж А.**

- 1. Лойиханинг кискача тавсифи.**
- 2. Лойихани амалга оширувчи хакида кискача тавсиф.**
- 3. Бозор шароитининг тахлили.**
- 4. Маблагларнинг ишлатилиш режаси.**
- 5. Ишлаб чикариш режаси.**
- 6. Махсулот таннархи хисоби.**

## **1.Лойиханинг кискача тавсифи.**

Ушбу лойиха паспорт маълумоти СН: -----  
----- шахар ИИБ томонидан 20\_\_ йил \_\_\_\_ да берилган  
фуқоро \_\_\_\_\_ томонидан, Узбекистон Республикаси  
Президентининг Йирик саноат корхоналари билан  
касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чикариш ва  
хизматлар уртасида кооперацияни кенгайтиришни  
рагбатлантириш чора-тадбирлари тугрисидаги фармонига  
асосан ишлаб чикилган.

----- шахар худудида ахолига хизмат курсатиш,  
жумладан гипс, мел маҳсулотларидан курилиш материалларини  
ишлаб чикариш ва даромад олиш максадида ишлаб чикарилади.

Жойлашган манзили: ----- шахар  
\_\_\_\_\_ уйда яшовчи фуқоро  
\_\_\_\_\_ бир йилда **40** т гипс, **30** т мел маҳсулотларидан  
курилиш материалларини таёrlаб беришни ва шундан даромад  
олишни режалаштирган. Бунда йиллик жами харажатлар  
**4075000** сумни, сотишдан тушган ялпи даромад **11750000**  
сумни, соғ фойда **6685000** сумни ташкил килади.

## **2.Лойихани амалга оширувчи ҳакида кискача тавсиф.**

----- шахар худудида жойлашган гипс ва мел хом  
ашёсидан курилиш материалларини ишлаб чикариш  
лоихасини амалга оширувчи - бу фуқоро \_\_\_\_\_

Фуқоро \_\_\_\_\_ Ахолига гипс ва мел хом ашёсидан  
курилиш материалларини ишлаб чикарib бериш ва ахолига  
майиший хизмат курсатиш асосида даромад (фойда) олиш,  
фукоронинг максади хисобланади.

## **3.Бозор шароитининг таҳлили.**

Маълумки, хозирги вактда арzon ва сифатли гипс ва мел  
хом ашёсидан курилиш материалларини ишлаб чикариш  
хизматларига булган ахолининг талаби кундан-кунга усиб  
бормокда. Бозорларимизда гипс ва мел хом ашёсидан курилиш  
материалларининг бозори чаккон. ----- шахрида гипс  
ва мел хом ашёсидан курилиш материалларини ишлаб чикариш  
цехлари купгина булишига карамасдан, улар томонидан ишлаб  
чикариладиган маҳсулотларнинг нархи жуда юкори. Бозорда  
гипс ва мел хом ашёсидан курилиш материалларининг баҳоси  
1кг гипсдан таёrlанган маҳсулот 250 сумни ташкил килади,  
шпатлёвка 1кг 200 сумни ташкил килади Ушбу лойихага асосан  
фуқоро хар бир таёrl махсулотни гипс 1кг 200 сумдан,

шпатлёвка 1кг 125 сум сотишни режалаштирган. Бу эса маҳсулотнинг тухтовсиз истеъмол килиниши ва моддий баркарорликни юзага келтиради. Бундан ташкари ушбу лойихани амалга оширилиши билан бозорда эркин ракобат юзага келади ва нарх-навонинг арzonлашувига хизмат килади.

Бундан ташкари фуқоро томонидан ахоли ва ташкилотларнинг буюртмалари асосида уларга гипс ва мел хом ашёсидан курилиш материалларини етказиб бериш ва бошка хизматлар курсатишни йулга куйиш режалаштирилган.

Юкоридагиларга асосан фуқоро \_\_\_\_\_ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот учун истеъмол бозори таъминланган ва доимий деган хulosага келиш мумкин.

#### **4. маблагларнинг ишлатилиш режаси.**

Ушбу лойихани амалга ошириш учун \_\_\_\_\_ мунтазам равища буюртмалар олиш, материаллар таъминоти, хом ашё билан мунтазам таъминланиши керак

Лойиханинг умумий киймати 1600000 сумни ташкил килади. Фуқоро \_\_\_\_\_ 1600000 сумни инвестиция сифатида олиб иш бошлини режалаштирган. маблагнинг 1000000 сумга форма пласт даскохи ва колган 300000 сумига Стеллаж, Шпатлёвка маҳсулотини таёrlаш учун кориш аппарати 300000 сумга ва гипс, мел маҳсулоти олиш учун сарфланади.

Маблагларнинг ишлатилиши тугрисидаги маълумотлар куйидаги жадвалда келтирилган:

Харажатлар номи	Улчов бирл	Сони	Нархи	Суммаси
Форма пласт	дона	10	100000	1000000
Стелаж	дона	2	150000	300000
Шпатлёвка аппарати	дона	1	300000	300000
<b>Жами:</b>				<b>1600000</b>

Хом ашё 1 ойлик сарфланиши куйидаги жадвалда келтирилган

Харажатлар номи	ул.б	сони	нархи	сум
Гипс	кг	3300	55	181500
Мел	кг	2500	62,5	156250
<b>жами:</b>				<b>337750</b>

#### **5. Ишлаб чиқариш режаси.**

Гипс ва мел хом ашёсидан курилиш материаларини ишлаб чикариш цехи биноси ишлаш учун кулай ва хамма техник талабларга жавоб беради. материаллар тайёрланиб косибчига берилади ва тайёр маҳсулот ишлаб чикарилади.

Электр энергияси сарфи хисоби:

шпатлёвка даскохининг электр энергиясига булган талаби соатига 0,67 кВт ни ташкил килади. Цехда 1 та даскохдан фойдаланган холда 250 кг тайёрлаш учун (тухтовсиз иш вакти) 40 минут вакт зарур булади, Бундан 250 кг шпатлёвка тайёрлаш учун учун 0,45 кВт электр энергия сарфланиши келиб чикади. Электр энергияси учун туландиган нархни 36,21 сумлигини инобатга олсак, кунлик харажат  $6 \times 36,21 = 217$  сумни ташкил килади. Йиллик электр энергияси учун килинадиган умумий харажат эса  $217 \times 24 \times 12 = 62496$  сумни ташкил килади.

Ушбу маҳсулотларни ишлаб чикариш учун хар хил аралаштирадиган елимлар керак булади. Шпатлёвка учун ишлатиладиган елимларнинг баҳоси 2500 сумни ташкил килади.

## **6. Маҳсулот таннархи хисоби.**

Маҳсулот таннархи хисоблашда хар бир маҳсулотни сотишдан тушадиган ойлик даромаддаги шу маҳсулотнинг фоиз хисобидаги улушига мутаносиб равишда хисобланган. Курилиш материаларини ишлаб чикаришда хажми 100 фоизни ташкил килади.

Куйидаги жадвалларда хар бир ишлаб чикариладиган маҳсулотнинг таннархи хисоби ва сотиш баҳоси келтирилган.

## **Тайёр гипсва мел маҳсулоти таннархи хисоби:**

T/p	Харажат турлари	Ул. бирл.	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Форма пласт	дона	10	100000	1000000
2	Стелаж	дона	2	150000	300000
3	Шпатлёвка аппарати	дона	1	300000	300000
4	Гипс	кг	40000	55	2200000
5	мел	кг	30000	62,5	1875000
6	Бошка маҳсулотлар (клей)	кг	500	2500	1250000
7	Эл.энергия $(62496 \times 80) / 288$	кВт	6	36,21	62496
8	<b>Жами харажатлар</b>	сум			<b>6987496</b>

Сотишдан тушган маблаг

№	Харажат тури	улчов бирлиги	микдори	Нархи	Сумма
1	Мелдан тайёрланган курилиш материалини сотиш баҳоси	кг	30 000	125	3750000
2	Гипсдан тайёрланган курилиш материалини сотиш баҳоси	кг	40 000	200	8000000
<b>Жами:</b>					<b>11750000</b>

Фукоро \_\_\_\_\_ бир йилда корхона маблагларидан фойдаланиш эвазига 1йил давомида карзларини тулаб, келажак ривожлантириш ишлари учун **4762504** сум соф фойдага эришиш имкониятига эга булади.